

АБДУЛ ҚОҲИР АЛ-ЖУРЖОНИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ҚЎЛЁЗМА АСАРЛАРИ

Иброҳимов Низомиддин Фахриддин ўғли

Ўзбекистон Миллий Университети

Ўзбек филология кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Абдул Қоҳир ал-Журжонийнинг ҳаёти ва қўлёзма асарлари ҳақида бўлиб, унда унинг бой ҳазинаси ҳисобланган асарларининг сақланаётган кутубхоналар ва институтлар ҳақида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар. Абдул Қоҳир ал-Журжоний, қўлёзма, манба, фонд

Олимнинг тўлиқ исми Абу Бакр Абдул Қоҳир ибн Абдур-Раҳмон ибн Муҳаммад ал-Журжонийдир. Унинг туғилган йили манбаларда кўрсатилмаган. Вафоти баъзи манбаларда 471/1078 йил, баъзиларида 474 ҳижрий йил деб берилган.¹ У Журжон (ҳозирги Эрон Ислом республикасидаги Табористон ва Хуросон шаҳарлари орасидаги водийда жойлашган)² шаҳрида дунёга келган ва шу ерда вафот этган. Ал-Журжоний илмга жуда чанқоқ бўлган ва ўз даврида мавжуд бўлган деярли ҳамма илмларни пухта эгаллаган. Айниқса грамматика, риторика, стилистика, балоғат илми, фикҳ, адабиёт ва бошқа илмларни яхши билган. Олимнинг миллати форс бўлишига қарамасдан у араб ва турк тилларини ўз она тилисидек мукамал эгаллаган. Илмларни ўзлаштиришда Журжон шаҳридаги машҳур олимларнинг қўлида таҳсил олган. Масалан, Рай шаҳрининг бош қозиси Али ибн Абдул-Азиз ал-Журжонийдан адабиёт сирларини ўрганган. Шунингдек, у машҳур Абу Али ал-Фарисийнинг жияни ва шогирди бўлган Абу ал-Ҳусайн ал-Фарисий ибн ухт Абу Али ал-Фарисийдан наив илмини ўрганган. Абу Али ал-Фарисий араб навҳидаги «омил»³ (араб тилида сўзлар охиридаги унлиларни ўзгартириб уларга бошқа маъно берувчи унсурлар «омил»лар дейилади)⁴ тушунчасининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимдир. Унинг омиллар ҳақидаги «مختصر عوامل الإعراب»⁴ асари мавжуд. Абдул Қоҳир Абу ал-Ҳусайн орқали Абу Али ал-Фарисийнинг омиллар ҳақидаги илмидан хабардор бўлган.

Абдул Қоҳир Журжон шаҳридан бошқа шаҳарга сафар қилмаган. Абдурахмон ас-Суютий «كتاب بغية الوعاة» китобида шундай ёзган:

«عبد القاهر بن عبد الرحمن الجرجاني النحوي اللامام المشهور أبو بكر أخذ النحو عن ابن أخت الفارسي ولم يأخذ عن غيره لأنه لم يخرج عن بلده...»¹

¹ الإمام شمس الدين محمد بن أحمد بن عثمان الذهبي. سير أعلام النبلاء. دار الفكر. بيروت. 1998. ج. 13. ص. 45.

² الدكتور البديوي زهران. العوامل المائة النحوية في أصول علم العربية. دار المعارف. القاهرة. 1983. ص. 50.

³ В. Гиргаснинг айтишича, омиллар, яъни бошқарувчи сўзлар орқали араб грамматикасини талқин этишга ал-Халил ал-Фараҳиди асос солган. Лекин мисрлик олим Доктор ал-Бадравий Заҳрон эса «омиллар тушунчанинг асосчиси Абу Умар ал-Жармий ва ал-Мубарраддир», дейди.

⁴ Абдуқаноун Икнат. Араб тили грамматикасидан сабоқлар. Эроб қоидалари ва омиллар. -Т: Мовароуннаҳр, 2002. -Б. 17.

¹ جلال الدين السيوطي الشافعي. كتاب بغية الوعاة في طبقات اللغويين و النحاة. القاهرة. 1908. ص. 463.



«Абдул Қоҳир ибн Абдур-Раҳмон ал-Журжоний-«машҳур нахвчи Имом Абу Бакр» таҳаллуси билан машҳур бўлиб, нахв илмини Ибн ухт ал-Фарсийдан ўрганган ва ундан бошқа ҳеч кимдан таҳсил олмаган, чунки у ўз юртидан бошқа жойга чиқмаган».

Доктор ал-Бадравий Заҳрон ҳам ўз асарида Абдул Қоҳир ал-Журжонийни ҳеч қаерга сафар қилмаганлиги ҳақида хабар беради. Жумладан, у шундай ёзади:

«عبد القاهر الجرجاني هو: أبو بكر عبد القاهر بن عبد الرحمن بن محمد، عرف بعبد القاهر الجرجاني لأنه جرجاني الدار - فقد ولد و عاش بجرجانة لم يبرحها حتى لطلب العلم - و لما طوفت شهرته الأفاق شددت إليه الرحال و حثت المطي و هو متصدر جرجان يفيد الراحلين إليه و الواقدين عليه...»²

«Абдул Қоҳир ал-Журжоний, у [нинг тўлиқ исми]- Абу Бакр Абдул Қоҳир ибн Абдур-Раҳмон ибн Муҳаммад. Абдул Қоҳир «ал-Журжоний» таҳаллуси билан машҳур бўлган, чунки у Журжон шаҳридан бўлган. Шу шаҳарда туғилиб улғайган ва илм олиш иштиёқида Журжонни тарк этмаган. У жуда машҳур бўлган. Унинг шуҳрати бутун оламга тарқалган. Илм олиш мақсадида одамлар уни олдига боришган. Ҳатто Журжонга борган ҳар қандай киши биринчи бўлиб Абдул Қоҳирни зиёрат қилган. Олимнинг олдига келиб-кетувчилар унинг илмидан катта фойда топишган».

Абдул Қоҳирнинг нахв бўйича устози Абу ал-Ҳусайн ал-Фарисий бўлишига қарамасдан, у араб ва ажам оламидаги машҳур олимларнинг фалсафа, фикҳ, грамматика, адабиёт, аруз илми, балоғат ва бошқа илмий асарлари билан танишиб чиққан ва уларни ўз устозлари деб билган. Улар: Абу Амр ибн Аъла, Исо ибн Умар ас-Сақафий, Ибн Исҳоқ ал-Ҳадрабий, ал-Ҳалил ибн Аҳмад, Юнус ибн Ҳабиб, ал-Ахфаш, Сибавайҳи, Ибн Қуттайба, Абу Илол ал-Асқарий, Абу Аҳмад ал-Асқарий ал-Мирзабаний, Абдурахмон ибн Исо ал-Ҳамзаний, аз-Зажжож, ал-Жоиз ва бошқалардир.¹

Журжоний иймон-эътиқодли, дини-диёнатли, художўй одам бўлган. Абдул Қоҳир фикҳда аш-шофеъи мазҳабида, каломда эса ал-ашорий мазҳабида бўлган.² Ас-Силафий шундай ривоят қилади:

«قال السلفي: كان ورعًا قانعًا، دخل عليه لَصَّ و هو في الصلاة، فأخذ ما وجد، و عبد القاهر ينظر و لم يقطع صلاته...»³.

«У художўй, иймон-эътиқодли эди. Бир куни у намоз ўқиётганида уни олдига ўғри кириб бор йўғини ўғирлаб кетди, лекин буни кўрган Абдул Қоҳир намозни бузмади».

Шунингдек, у моҳир нахвчи бўлган. У ҳақда Абу Муҳаммад ал-Абюрдий шундай дейди:

«قال: و سمعت أبا محمد الأبيوردي يقول: ما مقلت عيني لغويًا ، أما في النحو فعبد القاهر...»⁴.

«Ал-Абюрдий шундай деганини эшитдим: мен ҳеч қандай тилшуносни билмасдим, лекин машҳур нахвчи Абдул Қоҳир ҳақида эшитдим».

У нафақат устозлардан сабоқ олиб илм ўрганган, балки шогирдлар ҳам етиштирган. Абдул Қоҳирнинг бир қанча машҳур шогирдлари бўлган. Булар ҳақида қуйидаги маълумотлар бор:

1. Али ибн Зайд ал-Фасихий. У бағдодлик бўлган. Абдул Қоҳир Бағдодда бўлганида ал-Фасихий унга шогирдликка тушган. У Абдул Қоҳирнинг нахв илмида энг қобилятли шогирди бўлган.

² الدكتور البديوي زهران. العوامل المائة النحوية في أصول علم العربية. دار المعارف. القاهرة. 1983. ص. 49.

¹ الدكتور البديوي زهران. عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني. دار المعارف. القاهرة. 1987. ص. 18.

² الإمام شمس الدين محمد بن أحمد بن عثمان الذهبي. سير أعلام النبلاء. دار الفكر. بيروت. ج. 13. 1998. ص. 687.

³ Сеша жой.

⁴ تاج الدين أبو نصر عبد الوهاب بن علي بن عبد الكافي الشبكي. طبقات الشافعية الكبرى. دار الكتب العلمية. بيروت. ج. 3. 1999. ص. 560.



Ал-Фасихий шунингдек Шайх Абу Закариё ат-Табризийдан, сўнгра Бағдоддаги ан-Низомия мактабида таҳсил олган. «Ал-Фасихий» таҳаллусига сабаб, у фасоҳат илмининг устаси бўлган. Шунингдек, ал-Фасихий Саълабнинг фасоҳат китоби билан жуда қизиққан. Бу китобни ёд олиб мукамал ўрганган. Ал-Фасихий ўз навбатида наҳвчи Абу Назар ан-Наҳви ва шоир Баул-Фаварис ас-Сайфига устозлик қилган.

2. Абу Закариё ат-Табризий¹ (421-502 ҳижрий). Ат-Табризий кўп йиллар давомида Бағдоддаги ан-Низомия мактабида устозлик қилган. Яҳё ибн Али ат-Табризий аш-Шайбонийнинг далолат беришича, ат-Табризийнинг бир қанча машхур асарлари бўлган. Унинг она тилиси озарбайжон тили бўлган, бироқ ўз асарларини араб тилида ёзган.

3. Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад аш-Шажарий. Аш-Шажарий ҳам наҳвчи бўлган. У Абдул Қохирдан наҳв илмини мукамал ўрганган. Мисрлик олим доктор ал-Бадравий Заҳроннинг маълумот беришича, унинг наҳвга оид жуда кўп асарлари бўлган.

4. Ал-Имом Абу Амир ал-Фадл ибн Исмоил ат-Тамимий ал-Журжоний.²

Журжоний ўз ҳаёти давомида фаннинг турли соҳаларига бағишлаб жуда кўп асарлар ёзган. Уларнинг аксарияти давримизга қадар етиб келган. Жумладан:

1. «العوامل المائة»-«Ал-Авамил ал-миа»-араб наҳви омиллар ёрдамида баён қилинган бўлиб, Абдул Қохирни машхур қилган асардир. Асар араб ва араб бўлмаганларга араб тили грамматикасини ўқитиш учун мўлжалланган. «كشف الظنون»-«Кашфу-зунун» асарининг муаллифи – «Бу асар жуда машхур ва кўп ўқиладиган асарлардан бўлган. Унга бағишлаб кўп шарҳлар ва шеърлар ёзилган»³, дейди. Бу асар шунингдек муаллиф томонидан араб тилидан турк тилига таржима қилинган. Унинг кутубхоналарда сақланаётган кўп сонли қўлёзма ва босма нусхалари асарни ҳақиқатдан жуда машхур бўлганлигидан далолат беради. Асарнинг қўлёзма ва босма нусхалари йигирмадан ортиқ давлатнинг кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланмоқда.⁴ Шунингдек, Ўзбекистон қўлёзма фондларида ҳам асарнинг жуда кўп нусхалари сақланмоқда. Бироқ бу асар юртимизда илмий жиёатдан ўрганилмаган.

2. «الجمال»-«Ал-Жумал».¹ Бу асар ҳам араб грамматикаси бўйича ёзилган машхур асардир. Асарнинг аҳамиятлилиги шундаки, «العوامل المائة» асарида ифодаланган омиллар шу асардаги жумлаларда ўз ифодасини топган. Бу икки асар биргаликда омиллар ҳақида мукамал маълумот беради. Яъни, «العوامل المائة» асари умумлашган қонунлар мажмуи бўлса, «الجمال» асари эса омилларнинг жумлалардаги амалий натижасидир.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Миср, Калькутта, ал-Жазоир, Техрон кутубхоналарида сақланмоқда. Миср кутубхонасидаги қўлёзма нуқсонлидир. Аммо «Ал-Жумал»га ёзилган «Ал-Фахир» шарҳи таркибига киритилган асарнинг қўлёзма нусхаси яхши сақланган. Шунингдек, асарнинг саккизта шарҳи бизгача етиб келган.² Муаллифнинг «Ал-Жумал»га ёзган «التلخيص»-«Ат-Талхис» номли шарҳи ҳам бор.³

¹ Ёҳут Иамавий ўзининг «معجم البلدان»-«Мўъжамул-булдан» асарида далолат беришича, «Табриз» сўзи «Тибриз» деб талаффуз қилинган.

² الدكتور البدر اوى زهران. عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني. دار المعارف. القاهرة. 1987. ص. 20-22.

³ Сеша асар.-Б.30

⁴ بروكلمان كارل. تاريخ الأدب العربي. نقله إلى العربية الدكتور عبد الجليل الفجار. دار المعارف. مصر. الجزء الخامس. 1975. ص. 203-204.

¹ «Кашфу-зунун» асари муаллифининг ёзишича, бу грамматик асарнинг иккинчи номи «Ал-Журжония» бўлган.

² بروكلمان كارل. تاريخ الأدب العربي. نقله إلى العربية الدكتور عبد الجليل الفجار. دار المعارف. مصر. الجزء الخامس. 1975. ص. 208-209.

³ الدكتور البدر اوى زهران. العوامل المائة النحوية في أصول علم العربية. دار المعارف. القاهرة. 1983. ص. 33.



3. «كتاب تنمة في الجملة»-«Китабу-т-татиммати фи-л-жумлати». Бу асар ҳам араб грамматикасига бағишланган бўлиб унда эъроблар ҳақида чуқур маълумотлар берилган.⁴

Асарнинг қулёзма нусхалари Индистон кутубхонасида ва Британия музейида сақланмоқда.

4. «العمدة في التصريف»-«Ал-Умдату фи-т-тасриф». Бу асар феълларнинг тусланиши, яъни сарф илми ҳақида бўлиб, асарнинг қулёзма нусхалари араб давлатлари ва Туркия кутубхоналарида сақланмоқда.⁵

5. «أسرار البلاغة في المعاني و البيان»-«Асрару-л-балаға фи-л-маъани ва-л-баян». Араб адабиётига тааллуқли машҳур асар. Унда балоғат ва шеър санъати, риторика ва стилистика ҳақида жуда кўп қимматли маълумотлар берилган.

Асар 1309, 1319, 1344 ҳижрий йилларда Қоҳирада нашр қилинган.¹

6. «دلائل الإعجاز و أسرار البلاغة»-«Далаилу-л-иъжаз ва асрару-л-балағати». Бу асарни муаллиф ўзига хос усулда ёзган. Асар нотиклик санъати ҳақида бўлиб унга кўпроқ грамматик жиҳатдан ёндошилган.²

7. «المفتاح»-«Ал-Мифтах». Шофеъий мазхабига мансуб бўлган Абдул Қоҳир бу асарида шу мазҳаб бўйича фикр масалаларини мукамал ишлаб чиққан.³

8. «كتاب شرح الفاتحة»-«Китабу шарҳи-л-Фатиха». Бу асар Қуръони Каримнинг «Фотиҳа» сурасининг грамматик шарҳи бўлиб, у ҳақида «Далаилу-л-иъжаз» асарида маълумот берилган.⁴

9. «كتاب إعجاز القرآن الصغير»-«Китабу иъжази-л-Қуръани-с-сағир».⁵

10. «كتاب إعجاز القرآن الكبير»-«Китабу иъжази-л-Қуръани-л-кабир».⁶

Бу икки асар ҳижрий 306 йилда вафот этган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Зайд ал-Васитийнинг «Иъжазу-л-Қуръани-л-Карим» асари асосида ёзилган. Ал-Васитий бундай асарни биринчи бўлиб ёзган ва катта шуҳрат қозонган. Абу-л-Қоҳир эса бу икки асарида шу мавзунини давом эттириб, уни мукамал қилиб ёритиб берган.⁷

11. «كتاب الرسالة الشافية»-«Китабу-р-рисалати-ш-шафиъия». Бу асар ҳам ал-Васитийнинг «Иъжазу-л-Қуръани-л-Карим» асари асосида ёзилган. Лекин бу асар ал-Васитийнинг асарига хулоса сифатида ёзилган.⁸

12. «درج الدرر»-«Даржу-д-дурар». Бу асар Қуръонга ёзилган тафсир бўлиб, у ҳақида «Кашфу-з-зунун»да маълумот берилган. Асарнинг қулёзма нусхалари «Искуриял сани» ва «Усмония» кутубхоналарида сақланмоқда.¹

13. Абдул Қоҳир ал-Журжонийнинг бешта асари устози Абу Али ал-Фарисийнинг «الإيضاح»-«Ал-Ийдаҳ» асари асосида ёзилган.²

⁴ بروكلمان كارل. تاريخ الأدب العربي. نقله إلي العربية الدكتور عبد الجليل الفجار. دار المعارف.مصر. الجزء الخامس.1975.ص.209.

⁵ الدكتور البدر اوى زهران. عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني. دار المعارف. القاهرة.1987.ص.31-32.

¹ بروكلمان كارل. تاريخ الأدب العربي. نقله إلي العربية الدكتور عبد الجليل الفجار. دار المعارف.مصر. الجزء الخامس.1975.ص.209.

² Ғша жой.

³ الدكتور البدر اوى زهران. عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني. دار المعارف. القاهرة.1987.ص.29.

⁴ Ғша асар.-Б.33.

⁵ Бу асарнинг иккинчи номи «المقتضب»-«Ал-Муқтадаб» (қисқартма) боелган.

⁶ Бу асар шунингдек «المعتضд»-«Ал-Муътадад» (ёрдамчи) деб ҳам аталган.

⁷ الدكتور البدر اوى زهران. عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني. دار المعارف. القاهرة.1987.ص.33.

⁸ الدكتور البدر اوى زهران. عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني. دار المعارف. القاهرة.1987.ص.34.

¹ بروكلمان كارل. تاريخ الأدب العربي. نقله إلي العربية الدكتور عبد الجليل الفجار. دار المعارف.مصر. الجزء الخامس.1975.ص.210.



Булар:

- a «المغنى»-«Ал-Муғни». Бу асар «Ал-Ийдаҳ»га ёзилган шарҳ бўлиб 30 жилддан иборатдир.
- b «المقتصد»-«Ал-Муқтасид». Бу асар ҳам «Ал-Ийдаҳ»нинг шарҳи бўлиб, «Ал-Муғни»га караганда қисқароқдир, яъни мухтасар шаклда ёзилган.
- c «الإيجاز»-«Ал-Ийжаз». «Ал-Ийдаҳ» асарининг қисқартирилган кўринишидир. Асарнинг кўлёзма нусхаси Британия музейида сақланмоқда.
- d «التكلمة»-«Ат-Такаллума». Асарда «Ал-Ийдаҳ» ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ёзилган.
- e «التلخيص»-«Ат-Талхис». Асар «Ал-Ийдаҳ» асари асосида ёзилган. У юқорида айтиб ўтганимиздек, «Ал-Жумал» асарига ёзилган шарҳдир.
- 14.«الكتاب في العروض»-«Ал-Китаб фи-л-аруд». Асар бир нечта китоблардан иборат бўлиб, унда муаллиф шеър вазнлари, баҳрлари ва қофиялари ҳақида маълумот берган. Асар 1932 йилда Мисрда чоп этилган. Бу асар Ибн Жиннийнинг «Китабу-л-аруд»ига ўхшаб кетади. Ибн Жинний ҳам бу асарида араб шеърларининг баҳрлари, боблари ва вазнлари ҳақида маълумот берган. Сабаби Абдул Қохир ҳам, Ибн Жинний ҳам Абу Али ал-Фарисийнинг шогирди бўлган. Бу икки муаллиф ушбу асарларини ёзишда устозлари ал-Фарисийнинг манбаларидан фойдаланишган.³

15.«المختار»-«Ал-Мухтар». Бу китобда Ал-Мутанаббий, Ал-Бухтарий, Абу Таммам каби шоирларнинг танланган қасидалари ёзилган. Абдул Азиз ал-Майманий шу китоб асосида «Адабиётнинг ноёб дурдоналари» асарини ёзди. Ал-Майманийнинг бу асари 1937 йилда Қоҳирада чоп этилган. Шунингдек, бу китобнинг ичида «Ал-Мухтар» асарига ёзилган шарҳ мавжуд.¹

16.«التذكرة»-«Ат-Тазкира». Бу асар шеърий масалаларга бағишланган.²

17.«المسائل المشكلة»-«Ал-Масаилу-л-мушкила». Бу асар ҳақида Абдул Қодир ал-Бағдодий «Хизанату-л-адаб» китобида маълумот берган.³

XI асрда яшаб ижод қилган Моварауннаҳр ва Хуросон олимларининг энг иқтидорлиси Абдул Қохир ал-Журжоний грамматика, стилистика, риторика, балоғат, фикҳ, адабиётга оид ноёб асарлар яратди. Бу асарлар ўзининг илмий қимматини ҳозирги кунда ҳам йўқотмаган. Ушбу асарларни ўрганиш ва илмий муомалага киритиш давримиз тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда.

Фойдаланган адабиётлар

1. الدكتور البدر اوى زهران. عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني. دار المعارف. القاهرة. 1987. ص. 32.
2. كارل. تاريخ الأدب العربي. نقله إلى العربية الدكتور عبد الجليل الفجار. دار المعارف. مصر. الجزء الخامس. 1975. ص. 210- بروكلمان 203.
3. جلال الدين السيوطي الشافعي. كتاب بغية الوعاة في طبقات اللغويين و النحاة. القاهرة. 1908. ص. 463.
4. Собрание Восточных Рукописей Академии Наук Узб.ССР. Под редакции А.Урунбаева. Р.П. Джалиловой.-Т.11.-Т.:Фан,1987.
5. Арабские рукописи института Востоковедения Академии Наук СССР.Под редакции А.Б.Халидова.-Ч.1.-М.:Наука,1986.-С.303-306.
6. Академия Наук Азерб.ССР.Книга Арабских рукописей.-Баку:Элм.1984.-С.404.

² الدكتور البدر اوى زهران. عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني. دار المعارف. القاهرة. 1987. ص. 28-26.

³ الدكتور البدر اوى زهران. عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني. دار المعارف. القاهرة. 1987. ص. 32.

¹ الدكتور البدر اوى زهران. عالم اللغة عبد القاهر الجرجاني. دار المعارف. القاهرة. 1987. ص. 33-32.

² Ғша асар.-Б.28.

³ بروكلمان كارل. تاريخ الأدب العربي. نقله إلى العربية الدكتور عبد الجليل الفجار. دار المعارف. مصر. الجزء الخامس. 1975. ص. 210.



7. Bilveren, T. (2015). BABÜRNÂMEDEKİ BAZI KELİMELERİN TARİHİ VE ETİMOLOJİK TAHLİLİ . Kilis 7 Aralık Üniversitesi Sosyal Bilimler Dergisi , 5 (9) , 114-118 . Retrieved from <https://dergipark.org.tr/en/pub/kilissbd/issue/45249/566814>
8. XOLMONOVA, Z. (2015). BABÜRNÂMEDEKİ BAZIKELİMELERİN TARİH? VE ETİMOLOJİK TAHLİLİ. Journal of Social Sciences/Sosyal Bilimler Dergisi (2146-4561), 5(9).
9. Mamatkadirovna, K,N. (2023) THE ROLE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN PREPARING STUDENTS FOR COMMUNICATION. American Journal of Interdisciplinary Research and Development 16, 214-21
10. Turdievna, X. Z. (2021). ROLE OF ALISHER NAVOI IN THE DEVELOPMENT OF MODERN LINGUISTICS. 국제언어문학, (49), 85-106.
11. Karimova, N & Mamayusupov,T (2022) АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ҚИЛИНГАН ТАРЖИМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ. Science and innovation 1 (B8), 1404-1409
12. Mamatkadirovna N. K. Pedagogical system of development of culture of international communication in students //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. –2021. –Т. 11. –No. 11. –С. 245-247.
13. Mamatkadirovna K. N. JARAYONIDA TALABALARNING KOMMUNIKATIV FAOLIYATINI SHAKILLANTIRISHDA TA'LIM INFORMASION TEXNOLOGIYADAN FOYDALANISH //Ta'lim fidoyilari. –2022. –Т. 18. –No. 5. –С. 338-341.
14. Mamatkadirovna A. K. et al. Translation as a Special Type of Language and Intercultural Communication //JournalNX. –С. 176-180
15. Mamatkadirovna K. N. Pedagogical Conditions for the Development of Intercultural Communication Among Students //Czech Journal of Multidisciplinary Innovations. – 2022. – Т. 12. – С. 88-93.

